

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАТОНАТ ВА ФИДОЙИЛИКЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Дунёда инсон кўнглидан улуг нарса йўқ. Юртбошимизнинг Фармони уруш қатнашчилари ва ногиронларнинг руҳиятига нур бағишлади, қалбларига эзгу ҳис-туйғулар уйғотмоқда. Бундай қайғиёт шу кунларда тахририятимизга келатган мактубларда ҳам яққол кўриниб турибди. Келинг, шу хатлардан айримларини биргаликда ўқийлик.

Матқуб КЎШЖОНОВ, академик:
— Фалакнинг гардиши билан, ўша машъум урушда бир жангчи сифатида қатнашиш менинг ҳам бошимга тушди. Аважи ёшлик йилларимнинг ҳар бир қадами дўзах ўти билан ёнган жанг йўллариди, оқоплар ва ўтти марраларда кенди. Улимлар, вайронгарчиликларнинг кўп гувоҳи бўлдим. Инсониятнинг ёшлиги уруш йилларига тўри келган бу авлодни баъзи Фарб файласуфлари, адиблари «йўқолган авлод» деб аташди. Бир қарасанг, тўғридай: бу авлоднинг миллионлаб вакиллари урушда ҳалок бўлиди. Қолганлари ҳам айни йилгитли умрини уруш йўллариди ўтказди. Холбуки, улар вужудда жўш урган куч-ғайратни, салоҳиятини тинч ҳаётга, уни ривожлантиришга, тараққиётга бахшида

этиши мумкин эди... Аммо бизга таскин берадиган муҳим бир ҳақиқат бор: инсоният бу урушда фашизмнинг ёнги, цивилизацияни сақлаб қолди. Ер юзидида ҳаёт адолат, тараққиёт йўлига қайтди. Бундай ғалабага бағишланган ёшликни йўқолган ёки йўқотилган, деб бўлмас...

Аммо, барибир, инсониятни тинчликдан қолдирмасин. Уруш, вайронгарчиликлар янги авлодлар бошига зинҳор қайтмасин, илоҳим.
Айниқса, ватанимиз мустақилликка эришиб, халқимиз юксак орзу-хаваслар билан яшаётган, ҳаётини эркин, ўз хоши-иродаси асосида янги ҳаётга қураётган бизнинг кунларда тинчлик, барқарорлик сув билан ҳаводек зарур. Мен эса, кекса бир жангчи сифатида, урушдан омон қайтиб, бошимдан яна бир неча ўн йилликларни ўтказиб, Ўзбекистонимизда бундай улуг тарихий ўзгаришлар рўй берганлигини кўрганам учун, толемимга шукрлар қиламан. Мустақиллик даври биз, кекса авлодга қайта

ни яратаяпти. Бунга биз, кексаларнинг ҳавасимиз келади. Биз ҳавас қилаётган бу ҳаёт, сиз — ёшлар учун нақд имконият. Имкониятни қўлдан берманлар, азиз ёшларимиз.
Адхам ХАМДАМОВ, Тошкент шаҳри, Шифокорлар шахарчаси, 9«Б»-уй, 12-хонадон:
— Президентимизнинг биз, уруш қатнашчиларини Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ўзининг самимиий инсонпарварлик мазмун-моҳияти, мамлакат кекса авлодига чукр ҳурмат ва эҳтирอมни ўзида мужассам этганига билан руҳимизга байрам қайфиятини бағишлади.
Иккинчи ҳаётимизда Ўзбекистондаги деярли ҳар бир хонадондан азамат эр йигитлар катнашди. Неча ўз минглаб юртдошларимизнинг уруш туфайли гуллаб турган ҳаёти ҳазон бўлди. Уларнинг армони ҳамон юракларни яримда қилиб келяпти. Аммо улар она-Ватанимиз, гул-

лаган водий ва воҳаларимизнинг дахлсизлиги, хонадонларимизнинг чирроғи сўнмаслиги, фарзандларимизнинг келажиги, бугунги ҳаёт учун ҳам ўз жонларини фидо этдилар. Ҳаётимизда ажаيب, эзгу аъёнлар вужудга келяпти. Бугун Хотира майдонларида уруш қурбонлари хотирасига тикланган ёдгорликлар пойига ўқувчи ёшлар, келин-кўвлар келиб, гуллар қўядилар. Утганларнинг азиз руҳлари олдида таъзим қиладилар. Шу тариқа, ёшлар марҳум жангчи ота-боболарининг унутилмас хизматларига қалб миннатдорчиликларини изҳор этадилар. Буни тез-тез кўраман ва севинчдан кўзларимга ёш келади. Бу ёшлар биз урушда асраб қолган ҳаёт даракларининг бугунги кунда шовуллаб, кўрки ярқ уриб, яшнаб турган янги новдалари ва япроқларидир. Уларнинг бахтир ҳаётини кўриб, кўнглимиз йўрайди.
Худого шукр, бизлар мустақил ватанимизда доимо иззат-аърони кичишлар бўлиб келяпти. Хеч нарсадан камчилиги-

миз йўқ. Нафақаларимиз ҳам кўнглидагиди. Давлатимиз томонидан кўпгина имтиёزلарга эгамиз. Маҳалламиз, маҳаллий ҳокимият, собиқ ишхоналаримиз бизларни тез-тез йўқлаб, байрамларда сийлаб туришади. Ойларимизнинг энг ардоқли кишиларимиз. Лекин Президентимизга алоҳида раҳмат! Аввало, бизни мана шундай бекамун кўст шарафга эриштирганликлари учун бу улуг қимматли Инсондан ҳеҳис миннатдоримиз. Қолаверса, давлат ҳазинасидан неча юз миллионлаб сўм маблағни аямая, мана бу, навбатдаги бизга аталган мукофотлар воситасида давлатимиз раҳбари бизларга яна бир марта ўз эъозу эҳтиромларини ифода этаётганликларидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Худди шу эътибор бизни беҳад руҳлантиради, умримизга умр қўшади, Ватанимиз, Президентимиз гамхўрликларидан биз ўзимизни янада бардам ва тетик ҳис этаемиз. Шу мақсадда, ушбу мактубни тахририятга йўллаб, ўзим тенгчур бўлган собиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларнинг кўнглидаги ўйларини изҳор этишни инсоний бурчим, деб билдим.

Мактубларни М. САФАРОВ нашрга тайёрлади.

ГАЗЕТҲОН

сўз сўрайди

Ташаккур

Меҳр қолур...

Ҳаётда меҳр-муруватли, оқибатли инсонларнинг кўпчилигидан, уларнинг гамхўрликлари қуршоғида эканимдан ўқиб қалбим кўтарилди.

Мен учун яхши одамларнинг совғалари эмас, бир оғиз ширин сўзлари қимматли. Айниқса шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ва шаҳар газлаштириш идораси ходимларидан мамнунман. Уларнинг сабб-ҳаракатлари туфайли бутун киш бўйи табиий газ бизда пайсамайди. Қолаверса, улар ҳаммиса ҳолимдан хабар олиб туришади. Бундай меҳрибон, атрафидоғлар ташвиш ўзиникидек ҳис қилгучи одамлар ҳаммиса омон бўлисин, дегим келади.

Ҳосият МУМИНОВА, Самарқанд шаҳри.

Муаммо

Обуначида нима айб?

Поп туманида кейинги йилларда газетажурналларга обуна бўлиш масаласига эътиборсизлик билан қарайпти. Бу ахир аҳолининг сийсий онги, маънавий савиясининг пайсый кетишига олиб келмайдими?

Туман ҳокимлигининг «Поп тонги» газетасига йилнинг иккинчи ярмига обуначилардан ҳафтасига икки марта чиқиш учун пул йиғиб олингани ҳолда у ҳафтасига бир мартабадан чиқарилди, холос. Газета 2004 йил ёз ойларига 1,5 ой чиқмай қолди. Иккинчи ярим йилликда ҳам ҳафтасига 2 марталик нашрнинг ўрнига фақат бир мартадан газета чиқарилди. Бу йил февраль ойида эса 4 та ўрнига обуначилар фақат 1 дондан газета олдилар. Бундай тартибсизликлар қачонгача давом этаркин?!

Ҳайитбой ЭРГАШЕВ, Поп тумани.

Тахририятга хат

Ҳақиқат

чала бўлмасин

Одамлар йўқчилиқка, қийинчиликка чидайди, лекин адолатсизликка тоқат қилмайди, деган ақида ҳақиқат эканини ўз фаолиятини ҳис қилди. Гап шундаки, мен 1977 йилда Тошкент Политехника институтини тугатиб, ўзим туғилиб ўсган жойда — Денов ёғ-экстракция заводи (ҳозирги «Сурхонозиковаксано» акциядорлик жамияти)да иш бошладим. Техноложидан бош муҳандис даражасига кўтарилиб, обрў орттирдим. 2001 йил ўрта-ларда жамоага бошлиқ этиб тайинландим. Шундан сўнг кондитер цехини ишга туширишга, қўшимча иш ўринлари яратишга бош-қош бўлдим. Шу арада вилоят катталари алмашиб, корхонамизда ҳам вазият ўзгарди. Охир-

оқибат ноқонуний равишда вазифадан озод қилинган. Икки йилдан ортиқ сарсон-саргардонликлардан кейин ўз ҳақ-хўққимни тиклаб беришларини сўраб, судга мурожаат этдим.

Ҳуқуқорлик ишлари бўйича Денов туманлараро суди 2003 йил 24 мартда вазифага тикланишим лозимлиги юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди. 2005 йил 23 февралда вилоят суди раёсати ҳам бу ҳулосани тасдиқлади. Бироқ орадан икки ойга яқин вақт ўтса-да, суд қарори ижроси таъминлангани йўқ. Ҳақиқат тўла-тўқис юзага чиқшида мендан ёрдамларингизни аямасизлар, деган умиддаман.

Тоҳир ХАМРОЕВ, Денов шаҳри.



Дилрабо Файзуллаева болаларни жуда яхши кўради. Шу бонс ўқитувчилик касбини танлаганидан сира афсусланмайди. У ҳар доим машғулотларни турли кўргазмалар, кўрсаткичлар, қўшимча адабиётлар ёрдамида қизиқарли, ўқувчиларга тушунарли қилиб ўтказишга интилади. Нипон туманидаги 5-ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчилари ўз устозларини шунинг учун ҳам яхши кўришади.

СУРАТДА: Дилрабо ФАЙЗУЛЛАЕВА, Абдурусул ПАРДА олган сурат.

Миннатдорлик

Шикоятим

эътиборсиз қолмади

Тахририятга мурожаат қилиб, ёзган шикоят хатим эътиборсиз қолгани мени беҳад қувонтирди.
Аризамнинг Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига юборилгани кўп болалик оила учун ҳимоя бўлди, ҳақ-хўққуларимизни талаб қилишда асқотди. Бунинг учун биз — оила аъзолари сизларга чукр миннатдорчилик билдирмаемиз.

Сафобек БЕКХЎЖАЕВ, Тошкент шаҳри.

Даромад манбаи — сифатли маҳсулот

Фарғона «Ег-мой» акциядорлик жамияти томонидан ҳозирда ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган. Корхона аҳли бултур истеъмолчиларга 12 миллион 224 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериб, улардан 433 миллион сўм соф даромад кўрди. Бу ерда ишчи ва хизматчиларга моддий кўмак бериш, уларнинг соғлиғи учун гамхўрлик қилиш, бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ишчи йўлга қўйилган.

1220 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада маҳсулот турини кўпайтириш ҳамда сифат самардорлигига эришиш, шунингдек, олинаётган даромад ҳисобидан ойлик маошларни ўртача 115 миң сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Мўйдин Бадалбоев (чапда) ва муҳандис Санжарбек Толибов иш устида.

Ш. ОЛИМОВ (Ў.А.) олган сурат.



Огоҳлик — аҳилликда

манфаатдорлар бор. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз кенг жамоатчиликни доим огоҳликка даъват этиб, эштеримизни диний эстремизмга гуруҳлар таъсирига, ғараз ниетли тўдаларнинг тузоғига тушиб қолмаслиги учун ҳаммиса хушёр

тойдил қилган меҳнати туфайли бу йилги маъсумда шу кунгача икки ярим миллион сўмга яқин даромад қўрди. Аввало, унинг тўрт сотиқ жойдан шунча фойда олиб, қувонаётганининг ўзи катта давлат. Демокриманки, фарзандларимизни вақтида иш ёки ўқишга йўналтирмасак, юриш-туришига беъэтибор бўлсак, улар ютуқларимизни кўролмаётган тўдалар қўлида қуролга айланиши мумкин.

— Машойхлар айтишганидек, «Ит хураеради, қарвон ўтаверади», — дейди Тошкент маданият институти декани Соибназар Давлатов. — Аммо бу хотиржамликка берилишга асос бўлмайди. Айтмоқчиманки, қай биримиз бузғунчи тўдаларнинг гумашталарига; тирноқ остидан кир қидирувчиларга дуч келгудек бўлсак, дадил ва жўли жавоб билан уларга зарба беришимиз зарур. Жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўрнига эга бўлиб бораётган Ўзбекистонимизнинг янада раванқ топишидан ҳаммамиз бирдек манфаатдор эканмиз, лоқайдликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

шартномаси шартлари, унинг ҳўжалик иқтисодийотини кўтаришдаги афзалликлари ҳақида доимо маслаҳатлар бериб бораемиз, семинарлар уюштирамиз. Натияжада бу борадаги қонунбузарликлар анча камайди. Лекин улар орасида ҳамон А. Файзиев ва А. Ҳазратовга ўшаганларнинг борлиги ачинарлидир. Бу тоифадагиларга бир ҳақиқатни айтиб қўймоқчимиз: қинғир ишинг қийин албатта чиқди. Шартнома режасини бажармай, унинг шартларини бузган лафзсизларнинг қилишига қонун асосида баҳо берилади. Одилона чора эса, бошқаларга ҳам сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

... КАРВОН ЎТАВЕРАДИ

Эсланг, пойтахти-мизда содир этилган хунрезлик оқибатида қанча бегунох киши қурбон бўлди? Улар ортида қон-қақшаб қолган неча оилаларни айтмайсизми? Сўз навбати тегса, ўзини ўта демократ кўрсатадиган ушбу ҳамкасбимиз буларни билмасмикин? Ёхуд бултур Россиянинг Беслан шаҳридаги муҳим кишининг (шунинг 186 нафари болалар) ҳаётига зомин бўлганлиги уни ҳеч ташвишлантормайди? Жаҳон афкор оммасида террорчиларга нисбатан қаттиқ нафрат уйғотган ушбу терактнинг уқубатлари қинда «Аргументы и факты» газетасида берилди. Мазкур мақола террорчиларнинг асл башарасини яна бир бор кўрсатди,

десақ муболага бўлмайди. Эътибор беринг, жигарбандидан жудо бўлгани етмаганидек, унинг жасадини бирикки кун ёки ҳафта эмас, ойлаб қидириш ҳазилакам гапми, ахир. Ушбу хунрезлик оқибатида бу шаҳарда янги қабристон пайдо бўлди. Мақола муаллифлари теракт давр терроризм балосини даф қилишда дунё ва минтақа мамлакатлари ҳамжihatлиқда курашишлари зарурлигини тақозо этаётган экан, хунрезликлардан манфаат излаб яшайдиган журналист (ундай кишини эъло дейиш мумкинми?) борлиги ташвишли ҳол, албатта.

Дарҳақиқат, халқнинг тинч-осуда ҳаёти бузилишидан, таҳликага тушишидан, уни танлаган йўлидан қалғитишдан

бўлишимиз зарурлигини кўп бор ўқитиб келадилар. — Ёшларни ёт гоьлар таъсиридан асраш, тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш Ватан олдидаги бурчимиз, — дейди зангиоталик пенсионер Асхужаев. — Фарзандлар тарбиясига озгина беъэтиборлик ҳам хунук оқибатларга олиб келишини ҳаёт кўрсатаяпти. Сизга айтсам, бундан уч йил бурун кенжа ўғлим ўрта махсус маълумотга эга бўлган, унинг иш излашига ўрин қолдирмай, ҳовлида иссиқхона қуриб бердим. Кенжамнинг асл иختисослиги ҳам шу — зироатчилик. Мана, бугун у тадбиркор дехқон сифатида қўлимдан меҳнатимни олди. Қанча кўп ишласа, шунча мўл ҳосил олиши мумкинлигини билади. Ас-

эркинлиги халққа талафот соғиниш дегани эмас-ку? Бугун терроризм таҳдидидан аҳолини дахлсизлигини тўла қаролатлай оладиган бирор-бир мамлакат йўқ. Инчунун, юқорида эсланган ҳамкасбимизнинг ҳам хавфдан ҳимояланганлигига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Айни давр терроризм балосини даф қилишда дунё ва минтақа мамлакатлари ҳамжihatлиқда курашишлари зарурлигини тақозо этаётган экан, хунрезликлардан манфаат излаб яшайдиган журналист (ундай кишини эъло дейиш мумкинми?) борлиги ташвишли ҳол, албатта.

Дарҳақиқат, халқнинг тинч-осуда ҳаёти бузилишидан, таҳликага тушишидан, уни танлаган йўлидан қалғитишдан

бўлишимиз зарурлигини кўп бор ўқитиб келадилар. — Ёшларни ёт гоьлар таъсиридан асраш, тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш Ватан олдидаги бурчимиз, — дейди зангиоталик пенсионер Асхужаев. — Фарзандлар тарбиясига озгина беъэтиборлик ҳам хунук оқибатларга олиб келишини ҳаёт кўрсатаяпти. Сизга айтсам, бундан уч йил бурун кенжа ўғлим ўрта махсус маълумотга эга бўлган, унинг иш излашига ўрин қолдирмай, ҳовлида иссиқхона қуриб бердим. Кенжамнинг асл иختисослиги ҳам шу — зироатчилик. Мана, бугун у тадбиркор дехқон сифатида қўлимдан меҳнатимни олди. Қанча кўп ишласа, шунча мўл ҳосил олиши мумкинлигини билади. Ас-

Бежо иш — келтирар ташвиш

Контракция шартномаси шартларига амал қилиш фермернинг дастурхонига кўт-баракка, ўзига обрў, давлатта фойда келтириши маълум. Шу асосда иш юритаётган фермерлар ҳам бўлаётгани йўқ. Бироқ Бўжа туманидаги «Додошодом» фермер хўжалиги раҳбари А. Файзиев шартномага бифарқ қараб, зиммасидаги мажбуриятни унутгани кишини ўйга толдирди. Фермер шартномага асосан, ўтган йили 110 гектар ерга галла экиб, жами 85 тонна дон етказиб бериш мажбуриятини олганди. Лекин у ҳатто давлат томонидан берилган 17 тонна галла уру-

ғини ҳам экамди. Оқибатда «Тошкентгир» акциядорлик жамияти кўп микдорда моддий зарар кўрди. Шу тумандаги «Фарход» фермер хўжалиги раҳбари А. Ҳазратовнинг қилмиши ҳам А. Файзиевникидан қолишмайди. Утган йили у 30 гектар ерга галла экиш шартномага асосан, ўтган йили 18 тонна галла топирилши лоқазим эди. Афсуски, Ҳазратов 9 гектар ерга галла экиб, холос. Қолган майдонларда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари устириб, мўмай даромад қиришни афзал билди.

Унинг ана шу хатти-ҳаракатлари оқибатида давлатта 882000 сўм зарар етказилди. Хўш, ушбу ҳолатлар содир этилмаслиги мумкин эдимми? — Албатта, — дейди Бўжа тумани прокурори, адлия бўлими раҳбари А. Ҳазратовнинг маслаҳатчиси Алишер Ақромов. Ҳар бир фермер шартномага амал қилса, олам гулистон. Аммо ерни олиб қўйиб, шартномада кўрсатилмаган ернеғоқ, қовун-тарвуз экиб, даромадини ўз манфаати учун ишлатиш фермерларга хос иш эмас. Биз тегишли идоралар билан ҳамкорликда уларга контрактация

Шартнома — қонун

АДОЛАТ БОШ МЕЗОН

Йиғилишда маъруза қилган адлия вазири Б.Мустафоев Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшимча мажлисидаги маърузаси ва ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари иштирокида ўтказилган кенгашдаги нутқида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида адлия ходимлари олдида турган долзарб ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидландики, ҳуқуқ соҳаси ходимлари ўз бурж ва вазифаларини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан бажарса, масаласига бош мезон — адолат нуктаи назаридан ёндошса, ҳокимиятнинг обрўси ва фуқароларнинг эртанги кунга ишончи ҳам шунчалик мустаҳкамланаверади. Адлия идоралари ходимлари ўз зиммасидаги бундай масъулиятли вазифани адо этишда муайян натижаларга эришмоқда.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида адлия тизимида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани қаттиқ танқид остига олинди. Ўз мансаб ваколатини суиестеъмол қилаётган ходимлар ҳам учраётгани аниқ далиллар асосида кўрсатиб ўтилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлашга катта эътибор қаратилаётган. Бу адлия идоралари ходимларидан ҳам катта масъулият талаб қилади. Тадбиркорлар фаолиятига ҳалақит берадиган асосий текширувларга барҳам беришга эътибор янада кўпайган пайтда бу жараянни назорат қилишга қаратилган тадбирларнинг қўйилгани ҳам танқид қилинди. Бу борадаги ишларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Бундай салбий ҳолатларга бутунлай барҳам бериш, тадбиркор, фермер ва ҳоржик инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни кўчатириш лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун кадрлар танлаш, тарбиялаш ва уларни жой-жойга қўйиш борасидаги ишларни янада тақомиллаштириш зарур. Шу бонс соҳада кадрлар билан ишлаш лозимлигини ишлаб чиқиш дастурини қўйиб қўйилди.

Йиғилишда адлия идоралари олдида турган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ў.А. мухбири.



Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги "Миришкор" ширкат ҳужалиги иқтисодий жиҳатдан бакуватан жамоалардан ҳисобланади. Ҳўжалик ҳар йили шартнома режаларини ошириб бажариб келади. Бундай ютуқларнинг қўлга киритилишида жамоага молиявий хизмат кўрсатган "Пахтабанк"нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сифатли ва замонавий хизмат кўрсатилаётганлиги боис, ҳўжаликдаги барча юмушлар ўз вақтида удаланиб, олинаётган фойда миқдори йилдан-йилга ошиб борапти.

Кредит ўз ўрнида сарфланса...

— Биргина ўтган йилнинг ўзида бизга қарийб 193,5 миллион сўм кредит ажратилди, — дейди ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Азамат Сариков. — Унга замонавий "Дон-1500Б" русумли галла ўриш комбайнлари сотиб олдик. Натijaда мазкур техника ёрдамида етиштирилган ҳосил ўз вақтида нес-нобуд қилинмасдан йиғиштириб олинди. Бу жамоага катта иқтисодий фойда келтирди.

Умуман ўтган йили Қашқадарё вилояти кишлук ҳўжалигига банк томонидан берилган 168 дон турли русумдаги техника воситалари сотиб олинди. Бундан ташқари, банкнинг лизинг хизмати асосида 278 миллион сўмлик 20 та техника воситаси харид қилинди. Бу, табиийки, жойларда пахта ва галла экинларига агротехника қондалари асосида ўз вақтида ишлов бериш имконини бериб, мўл ҳосил яратишга замин ҳозирлади. Натijaда вилоятда барча соҳаларда режалар ошириб бажарилиди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Хоразм вилоятидаги "Гурлан пахта тозалаш" акциядорлик жамияти банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда. Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда маб-

лағ керак бўлганда ҳар доим молиявий муассасага мурожаат қилиб, зарур ёрдамни олади. Масалан, ўтган йили ажратилган 40 миллион сўмлик кредит ҳисобига эҳтиёт қисмлар сотиб олиб, ҳиссадорлик жамиятининг йил давомида самарали фаолият юритишини таъминлади. Натijaда олинаётган тола миқдори ошди ва унинг сифати ҳам яхшиланди.

Айни пайтда банкнинг Гурлан туман бўлими хизмат кўрсатишининг жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган энг замонавий турини қўллаётганлиги натижасида мижозларга бир қанча қўлайликлар яратилди. Масалан, корхонада "Банк-мижоз" дастури жорий этилган бўлиб, барча ҳисоб-китоблар банк бормасдан амалга оширилади. Шунингдек, туман ҳудудидан узоқда жойлашган мижозлар учун 3 та минн банк ташкил этилди. Улар ҳозир 400 га яқин фермер ҳўжалигига хизмат кўрсатмоқда.

— Биз кўрсатилаётган молиявий хизматдан мамнунмиз, — дейди "Гурлан пахта тозалаш" акциядорлик жамияти раиси Соли Ражабов. — Банк жамоамизга фақат кредит ажратиб, тўловларни ўз вақтида ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, молиявий масалаларда турли маслаҳатлар

ҳам бермоқда. Бу бизнинг иш юритишимизда қўл келаяпти.

Ҳозир "Пахтабанк"нинг республикамизда 13 та вилоят бошқармаси, 183 та бўлими ва 452 минн банк мулқчилик шаклининг барча туридаги мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Хизмат

капитали 5,3 миллиард сўмга кўпайиб, 51,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Жами активлари миқдори эса 239 миллиард сўмдан иборат бўлди. Жамоа асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг буш пул маблағларини банкка жалб қилиш, филиаллар тармоғини кўпайтириш, акциядорлар ва мижозлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратиб, ўзининг стратегик ривожланиш режаси асосида иш олиб боради.

Ўтган йилда банк халқ ҳўжалигининг барча тармоқларига 63,8 миллиард сўм миқдорда кредит ажратди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

Банк ва мижоз



ни ривожлантириш мақсадида белгиланган лойиҳалар бўйича берилган маблағлар 17,5 миллиард сўмдан ошди. Энг муҳими, ажратилган кредитлар ҳисобига 9121 та янги иш ўрни ташкил этилди ва 8 миллиард 129 миллион сўмлик турли импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. Тайёрланган товарлар республикамиз ички бозорини тўлдириб қилан барча, хорижа экспорт ҳам қилинмоқда.

Умуман, 2004 йил банк учун барқарор ривожланиш даври бўлди, десак хато бўлмайдми. Бу даврда унинг

асосини ташкил этиди. Халқнинг буюклиги эса унинг маънавий мероси билан ўлчанади, — дейди Умидахон. — Мақсадимиз ана шу маънавий меросдан юртимизнинг ҳар бир фуқаросини баҳраманд этиш.

Банкнинг жаҳондаги нуфузли молиявий муассасалар ҳамкорлиги кен-

гайиши ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ўтган йили ҳам Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осие Ривожланиш банки, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияларини ўзлаштириш давом эттирилди. Уларнинг маблағлари ҳисобидан 9 та лойиҳа бўйича жами 7 миллион 613 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилди.

Молиявий муассаса ўз фаолиятини иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини таъминлашда, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватлашда ҳақиқий ҳамкор сифатида тақомиллаштириб бермоқда. Шунингдек, ўтган даврда мижозларга барча шарт-шароит яратилган ва жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган банкнинг бир неча замонавий бинолари қуриб фойдаланишга топширилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Банкда қўлга киритилаётган ютуқлар дунёдаги нуфузли аудит компаниялари ва оммавий ахборот воситалари томонидан эътироф этиб келиняпти. Масалан, Англияда қўл этиладиган ва ўзининг миллионлаб ўқувчиларига эга бўлган "The Banker" журнали молиявий муассасанинг ўтган йилги фаолиятини батафсил ўрганиб чиқиб, "Ўзбекистоннинг энг яхши банки" деган баҳо берди. Хориждаги оммавий нашрнинг бундай хулосага келиши бежиз эмас, албатта.

Умуман молиявий муассасада мижозлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилиб, жамоа ўз фаолиятини уларнинг тақлиф ва истаклари асосида ташкил қилмоқда. Хизмат кўрсатиш маданиятининг ошириб ва тақомиллаштириб бораётганлиги ҳам мижозлар сафининг кўпайишига ихобий таъсир қилмоқда. Бу тадбирлар натижаси сифатида, банкда ўтган йили барча қўрсаткичлар бўйича ўсишга эришилди.

Банкнинг матбуот хизмати.


ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Хавфли вирус ўқотилиши зарур

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти дунёнинг 18 та мамлакатидagi тўрт мингта тиббий лабораторияга мурожаат қилиб, айни пайтда намуна сифатида сақланаётган хавфли грип вирусини йўқ қилишларини сўраган. Мабодо ушбу вирусни сақлашда бирор хатога йўл қўйилса ёки у террорчилар қўлига ўтиб қолса, кўплаб одамларнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Мазкур тез тарқалувчи вирус 1957 йилда аниқланиб, 1968 йилда тўлиқ ўқотилган. Лекин шу давр мобайнида ўртача 4 миллион одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ўтаётган ҳафта охирига қадар барча намуналар зарарсизлантиришига умид қилмоқда.



ЕИнинг бўлажак аъзолари

Тахмин қилинишича, Европа парламенти Болгария ва Руминияни ЕИга аъзо бўлиб киришини маъқуллади. Икки давлат ҳам 2007 йилдан Европа оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб кириши кутилмоқда. Бирок, Еврокомиссиянинг кенгайиш масалалари билан шуғулланувчи вакили Олли Рен мабодо икки давлат ҳуқуқматлари томонидан етарлича тайёргарлик



кўрилмаса, ушбу қарор бекор қилиниши ҳам мумкинлигини билдирди.

путатлари Руминияда кечаётган ислохотлардан қониқмаслигини билдиришган. Апрель ойида ЕИнинг ташқи ишлар вазири руминиялик ва болгариялик ҳамкасблари билан биргаликда аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги битимни имзолашлари шарт. Шундан сўнг мазкур битим барча аъзо мамлакатлар парламенти томонидан ратификация қилиниши лозим.

Ўқувчилар озод этилди

Германиянинг шимоли-ғарбида жойлашган Эппелетале шаҳридаги мактаблардан бирида тўрт ўқувчи эронлик қуролланган шахс томонидан гаровга олинди. Орадан беш соат ўтмасдан маҳаллий полиция гаровдагиларни озод қилиш амалиётини муваффақиятли удаллади. Ўқувчиларга тан

жароҳати етмади. Рейтер ахборот агентлиги тарқатган хабарларда айтилишича, боқинчи ҳуқуқматдан ўз оиласининг Германияга келишига рухсат беришини талаб қилган.

Савдо мақчилиги ўсмоқда

АҚШга импорт қилинаётган истеъмол ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг ошиши мамлакатда савдо тақчиллигининг рекорд даражасига етишига сабаб бўлди. Февраль ойида бу кўрсаткич 61 миллиард долларни ташкил қилди. Маъмулотларга қараганда, АҚШ иқтисодиётида импорт маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. У январь ойида 1,6 фоизга ўсди. Уша пайтда эса экспорт маҳсулотлари ҳажми бор-йўғи 0,1 фоизга кўтарилган эди. Жорий йил бошида АҚШда тўқимачилик маҳсулотлари импортига квоталарнинг бекор қилиниши ҳам бунга таъсир қилди.

Экологик қондаларни бузгани учун

Россия Бош прокуратурасининг Урал федерал округидаги бўлими «Маяк» ташкилотига нисбатан жиноий иш қўзғайди. Ушбу корхона ядро чиқиндиларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Прокуратура томонидан эълон қилинган айбловда айтилишича, компания экологик хавфсизлик қондаларини доимий равишда бузиб келган ҳамда радиоктив чиқиндиларнинг дарағи оқизилишига йўл қўйган.

Робот костюм

Япониялик олимлар «бикибернетик костюм» яратдилар. Ушбу робот костюм қариялар ҳамда ногиронларнинг ҳаракатланишини бироз енгиллаштиради. Бундан ташқари, уларга оғирлик қиладиган буюмларни кўтаришга ёрдам беради. Мазкур костюмнинг охириги модели жорий йил июнь ойида Япониянинг Аиши шаҳрида бўлиб ўтадиган «Экспо-2005» кўргазмасида намоий этилади ва йил якунида савдога чиқарилади. Бикибернетик костюмни яратиш учун Цукуби университети олимлари тинимсиз 10 йил ишлаганишлар олиб боришди. У одамга 40 килограммгача юкни кўтаришга ёрдам беради.

Эҳтиёт қисмлар эмиш...

Молдовалик таниқли тадбиркор Анатолий Жосан мамлакат прокуратураси Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан қамоқка олинди. У қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланганлигида гумон қилинмоқда. Департамент матбуот котибининг «Интерфакс»га берган интервьосида билдиришича, Жосан Руминияга жўнатилган туртта кутини боғхонада тегиримон ва турли дастгоҳлар учун эҳтиёт қисмлари сифатида рўйхатдан ўтказган. Бирок, Руминия ҳуқуқ-тарти-

Бош котибнинг махус вакуллари

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Латвия президенти Вайра Вике-Фрейбергани жорий йил сентябрь ойида Нью-Йоркда ўтказилиши режалаштирилган дунё етакчилари саммитига тайёргарлик бўйича ўзининг махус вакили этиб тайинлади. БМТ матбуот котиби Фред Экхарднинг журналистларга берган интервьосида маълум қилинишича, Вайра Вике-Фрейберг бошчилик қиладиган махус комиссия жаҳон давлатлари раҳбарларига халқаро ҳамжамиятни қандай ислох қилиш йўлларини батафсил тушунтиришга тайёргарлик кўради.

Тахмин қилинишича, бош котибининг махус вакиллари орасида Мексика ва Мозамбик давлатлари собиқ президентлари Эрнесто Седилло ва Жоакин Чиссано, Ирландия ташқи ишлари вазири Дермот Ахернлар ҳам бор.

Террорчи қўла олинди

Ироқ ҳуқуқати вакилининг расмий билдиришича, мамлакат хавфсизлик кучлари Баас партиясининг юқори лавозимли аъзосини қўлга олишган. Тахмин қилинишича, у террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчиси ва молия-



вий таъминотчиси бўлган. Асир олинган Фахил Иброҳим Маҳмуд ал-Машададнинг Саддам Ҳўсайн даврида Бағдод ҳарбий бюроси раҳбари бўлиб хизмат қилган. Ироқ ҳуқуқати вакиллари таъкидлашича, яширини юрган Баас партиясининг қолган аъзоларини топшига Фахил катта ёрдам бериши мумкин.

Янги телескоп

Буюк британиялик олимлар Европа лойиҳаси асосида улкан телескоп яратишга киришдилар. Олимларнинг таъкидлашларича, яратилажак қурилма мавжуд замонавий телескоплардан 10 баробар узоқни кўрсата олади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, бундай лойиҳа устида айни пайтда АҚШ ва канадалик астрономлар ҳам иш олиб боришмоқда.

Тартиб ўрнатади

Грузия армияси жорий йил охирига қадар Сухуми ва Жанубий Осетия ҳудудида тўлиқ назоратни ўз қўлларига олади. Бу ҳақда мамлакат парламентининг мудофаа ва миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи қўмитаси раҳбари Гиви Таргамадзе маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, айни пайтда Грузия армиясида жиддий ислохотлар олиб боришмоқда.

Таргамадзенинг «Мзе» телевидениесига берган интервьосида таъкидлашича, яқин уч-тўрт кун ичида Жанубий Осетия ҳудудида грузиялик ҳарбийлар томонидан тўлиқ тартиб ўрнатилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тил билган эл билади

Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманидаги 233-мактабда асосан русийзабон фарзандлар билим олишади.

— Бирок бизда давлат тилини ўқитиш ҳам яхши йўлга қўйилган, — дейди мактаб директори А. Виланют. — Ўзбек тили муаллимиз Умида Мир-

забекованинг сай-ҳаракатлари билан мактабимизда «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзусида катта тадбир, Навоий, Бобур ижодларига бағишланган кечалар ташкил этилди. Айни

пайтда мактабда забардаст ўзбек ёзувчиси Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган анжуманга қизгин ҳозирлик қўрилаяпти. — Маънавият инсон ҳаётининг

Вилоятлар халқ таълими, ўрта махус ва касб-ҳунар таълим бошқармалари бошлиқлари, ташкилот ва ҳўжаликлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати 2004-2005 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни шартнома асосида иш жойларига тақсимламоқда. Университетни битирувчи бакалавр ва магистрларга уч томонлама шартнома асосида уларнинг хоҳиши бўйича, келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида, сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотингизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, турар-жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига шу йилнинг 20 апрелига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети кундузги бўлимини 2004-2005 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида статистик маълумот

№	Йўналишлар, мутахассисликлар	Бакалаврият							Магистратура								
		Инглиз филологияси	Таржимонлик факультети	Немис филологияси	Француз филологияси	Испан филологияси	Рус филологияси	Халқаро журналистика	Жами	Инглиз лингвистикаси	Немис лингвистикаси	Француз лингвистикаси	Славян лингвистикаси	Испан лингвистикаси	Таржима назарияси ва амалиёти	Халқаро журналистика	Жами
Шаҳар (туман) ва вилоятлар																	
1.	Тошкент шаҳри туманлари																
	Яккасарой тумани	35	2	1	2	1	1	3	45	-	-	-	-	-	-	1	1
	Шайхонтаҳур тумани	28	8	5	1	1	4	14	61	9	-	-	-	-	4	2	15
	А.Икромов тумани	39	10	3	3	-	6	2	63	5	-	-	1	-	2	-	8
	Юнусобод тумани	50	10	7	7	2	1	12	89	8	-	2	-	-	3	2	15
	Сирғали тумани	34	2	2	1	-	2	4	45	4	-	-	-	-	1	-	5
	Чилонзор тумани	47	12	1	-	2	7	8	77	7	1	1	-	1	2	1	13
	Хамза тумани	27	3	5	3	-	8	3	49	1	-	-	1	1	-	-	3
	Миробод тумани	17	2	8	4	-	2	3	36	1	-	1	1	1	-	-	4
	М.Улуғбек тумани	53	11	3	3	-	9	13	92	2	1	-	-	1	1	1	5
	С.Раҳимов тумани	30	8	2	-	2	2	6	50	9	-	-	-	1	2	2	14
	Бектемир тумани	19	1	-	1	-	1	-	22	-	1	-	-	-	-	-	1
2.	Андижон вилояти	16	6	5	2	-	1	-	30	1	-	-	1	-	-	-	2
3.	Бухоро вилояти	52	7	8	23	1	-	4	95	1	1	1	-	-	-	-	3
4.	Жиззах вилояти	24	4	2	1	-	-	-	32	2	2	-	-	1	1	1	7
5.	Наманган вилояти	23	3	3	4	2	-	2	37	2	1	2	-	1	-	1	7
6.	Навоий вилояти	17	3	9	3	3	-	-	35	4	-	-	1	-	-	-	6
7.	Самарқанд вилояти	13	8	12	6	3	-	10	59	2	2	-	-	1	1	1	6
8.	Сурхондарё вилояти	13	5	-	1	3	-	5	27	5	-	-	-	-	-	-	5
9.	Сирдарё вилояти	18	3	2	1	1	-	1	26	2	-	-	-	-	-	-	2
10.	Фарғона вилояти	32	9	3	3	1	-	13	61	3	2	-	-	1	-	-	6
11.	Хоразм вилояти	14	9	1	8	4	-	-	37	-	-	3	-	-	-	-	3
12.	Қашқадарё вилояти	36	10	21	11	1	-	12	91	1	-	-	-	-	-	-	1
13.	Тошкент вилояти	81	26	23	4	1	10	12	157	9	1	-	-	1	1	1	13
14.	Қорақалпоғистон Республикаси	16	-	3	2	-	-	-	21	4	1	1	1	-	-	-	8
	Жами:	741	162	129	94	28	54	129	1337	82	13	11	6	8	19	14	153

Манзил: 700138, Тошкент ш., Собир Юсуфов к., Г-9а мавзеси, 21- "а" уй, маркетинг хизмати бўлими. Мурожаат учун телефон: 75-09-91.

Ойбек таваллудининг 100 йиллигига



Ойбек ва унинг сафдошлари Фафур Фулом, Абдулла Каҳҳор, Хамид Олимжонлар XX асрнинг энг фожий йилларида, мустабид адабий сиёсат қатгорида, таъқибу таҳдидлари авжига минган бир даврда ижод қилдилар. Табиийки, бу муҳим сиёсат уларнинг ижодий тақдирини, яратган асарларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айни пайтда, ана шундай ақл бовар қилмайдиган таъқибу таҳдидлар шароитида бу ноёб истеъдод соҳибларининг, жумладан, Ойбекнинг замонавий жаҳон шеърининг аҳамияти дилбар лирик тароналар, "Қутлуг қон", "Навоий"дек етук романлар яратганлиги ҳайратомуз ҳодиса!

Адабий-тарихий жараённинг бу хил гаройиб ҳодисаси — нобоб муҳитда гўзаллик билан дағалликнинг, нафосат билан кўпол кучнинг ёндош ҳолда намоён бўлиши, улар орасидаги мангу зиддият аниқ ўшандай ноёб обидалар ижодкорларининг ўзларини ҳам аламли ўй-мушоҳадаларга толдирган. Абдулла Каҳҳорнинг "Сароб", Хамид Олимжоннинг "Офелиянинг ўлими", Ойбекнинг "Наъматак" асарларида аниқ шу ҳолни кўрамыз.

А БАДИЙ БАДИИЯТ

Таажжуб, мана шу ноёб бадий дурдоналарнинг учаласи ҳам деярли бир пайтда — машҳум 37-йил қатгорида — арафасида дунё юзини кўрди! Бу ҳол уч буюк истеъдод соҳиблари қалбидagi бўлғуси мислсиз фожиянинг, нафосатга нисбатан тажовузнинг ўзи-га хос башорати, оғожи эди.

Айни пайтда "Сароб" ва "Офелиянинг ўлими"дан фарқи ўларок, "Наъматак" ваҳшиёна муҳитда ҳам ижодкор қалбидa гўзалликнинг умидбахш фусункор кучига умид сўнмаганлигидан далолатдир.

Энг ёмони, ўша муҳим замонада адабий танқид гўзалликнинг қушандиси, дағаллик, ваҳшиёна кўпол кучнинг намоёндаси сифатида жанг майдонига тушди. У қўлидаги танқид тигини гўзалликка, чиннакам нафосат, бадиият намуналарига, унинг ҳимоячиларига қаратди; биринчи гада бе-назар бадиият дурдонаси ижодкорлари — Қодирий, Чўлпон, улар изидан борган Ойбек бирин-кетин кўпол кучнинг шафқатсиз ҳаммаларига дуч кела бошлади. Муҳим таъқибу таҳдидлар жазаваси андиқна бошланган бир пайтда ноёб истеъдодларнинг ilk номоячилиридан бири Ойбек бўлди. Жумладан, у Чўлпонни мафкура даргалари хуруждан ҳимоя қилиб катий бир тарзда: "Чўлпоннинг мафкуриси эмас, балки яратган бадиият намуналари ўқулади, воз кечилмайди", дея бонг уради ("Чўлпон ва танқид", Т., 2004, 38-бет). Бунга жавобан Усмоноҳон исмли жангари мунаққид: "Чўлпоннинг мафкуриси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқулади" деган жўмла "Ойбек бадииятга буржуазича қаради, деганимизга қатъий далил бўла олади", дея дағдага қилди ("Чўлпон ва танқид", 46-бет).

доираси бирдан-бир реаллик бўлиб, уни қўраган теварак атрофдаги ҳодисалар мазмунини, объектив ҳақиқатини қамраб олмади...» деган таъналар давом эттирилди.

Шу тариха, "Ойбекдай улкан истеъдод эгаси таъйик остида ilk ижодига эъининг Чўлпонга, қоллар-са, жаҳон янги шеърининг аҳамиятига ноёб изланишларга ҳаммадан олдин ўз иш-корида замона заълига, ҳукмрон мафкурага мос шеърлар битди. Айни чоғда асл кўнгли гавҳари бўлмиш "соф лирика" дурдоналарини яратишда давом этди. Оғир хаста чоғи битган мана бу сатрлар шоирнинг бир умр қалб туби наволарига содиқ қолганлигини тасдиқ-

ларда шу тарзда талқин этилди, уни социалистик реализмнинг намунаси даражасига кўтарилди, асар синфий-партиявий принципда ёзилганлиги, роман концепти синфий зиддият, кураш асосига қўрилган, бош қаҳрамон йўли оддий эъининг меҳнаткаш синф одами экани, унинг тисолида революцион онгнинг шаклланиши акс этгани каби жиҳатларга алоҳида ургу берилди... Боз устига "Қутлуг қон" романи асосида яратилган спектакль, кинофильм ва телефильмларда бундай руҳ янада бўрттириброк берилди.

Тўғри, ўша йиллари Ойбекнинг чин бадииятини очиб беришга қаратилган М.Қўшонов, Н.Каримов каби адабиётшуносларнинг тадқиқотлари ҳам яратилди. Бироқ талқин ва баҳолашда, охир-оқибат мафкуравий ёндош устун келди.

Утган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йилларнинг бошларида келиб шўро мафкуриси, социалистик реализм инқироби ошкор бўлган, адабий жамоатчилик орасида муайян саросима бошланди. Шўро даврида "социалистик реализм намунаси" деб эълон этилган асарларга, жумладан, "Қутлуг қон"га ҳақ билан қаради, уни бутуниси инкор этиш ҳоллари юз берди, ўқув дастури, дарсликлардан чиқариб ташлашга даъватлар бўлди...

Аллоҳга шукр, бунақа энгил-елпи ҳовликмаллик, жангарилик қайфиятлари орда қолди. Роман осойишталик билан қайта мутолаа қилиниб, жиддий мулоҳаза юритилса, шу нарса аён бўладики, гарчи асар эъининг давр зуғумлари асоратларидан бутунлай холи бўлмаса-да, у XX аср янги миллий адабиётимизнинг ноёб, беназир намунаси. Миллат менталитетини, руҳини, одамларнинг дарду дунёсини, ўтган асрда ўлкадаги миллий ўғониш жараёнини бетакрор тарзда ёрқин акс эттирган асардир.

Шўро даврида "Қутлуг қон"ни социалистик реализм байроғи саналмиш Горькийнинг "Она" романига мензаш, "Она" таъсирида яратилганлигини таъкидлаш одат тусига кирган, буни "тасдиқловчи" мақсус

Хастаман... Фикрга, туйғуга тўлиб, Ой менга ҳамқадам-соқин юрамен. Соғинсам, бир кун ёзмаен тўйиб, Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзмаен...

Кечалар юрурмен талбадай ҳориб, Бошимда ой борур — менга ҳамқадам. Ҳаёллар учди машавадай ёлиб, Тўйиб ёзажакмен бир кун соғинсам.

лайди:

Қарангки, замона зайли, бюротмаси тўфайли битилган "давринг энг муҳим воқеаларига ҳаммадан олдин" қўларига болга ушлаганлар тўғрисидаги шеърлар аллақачон эскирди, аҳамиятини йўқотди, ўтмиш мулки бўлиб қолди; муаллифнинг ўзи ҳам салбий баҳолашга мажбур бўлган "воқеалардан ироқлаштирилган", "сабабсиз мунгли нидо билан сугорилган мафкура шеърлари" аса XXI асрга етиб келди. Бугунги шеърини муҳлисларини айнан ўшандай кўнгли тароналари кўпроқ мафтун этаётир.

Фовийлик ҳимоячиси ва жарчисига айланган адабий танқид руҳи шўро даври таълим тизимига ҳам тўлиғича сингдирилди. Мактаб ва олий ўқув юрларида, шоир Эркин Воҳидов айтмоқчи, ижодкорнинг санъати, бадиияти эмас, асосан дунёқарашини ўрганилди, адабий асар мафкурасига қараб баҳоланадиган бўлди. Коммунистик мафкурага мос келадиганлари "ўзимизники", мос келмайдиганлари эса "бизга ёт" деб аталарди ўша кезлари. Гоҳо бадиий етук асарларини ҳам ҳар боб билан ҳукмрон мафкура мезонларига мослаштириб олинар эди. Жумладан, Ойбекнинг "Қутлуг қон" романи дарслик-

ясама тадқиқотлар ҳам олиб борилган эди. Бугунги танқидчилик "Қутлуг қон" "Она"га эмас, кўпроқ XX аср жаҳон адабиётининг етук намуналарига, чунончи, Америка адабиётининг Нобел мукофоти билан тақдирланган "Ғазаб шодалари" романига ақин туриши ҳақида қизиқarli мулоҳазаларини илгари сурмоқда. Муаллифлари бир-бирларидан мутлақо бекабар ҳолда деярли бир пайтда дунёнинг икки чекасида пайдо бўлган бу икки романда қатор муштаракликлар мавжудлиги жаҳон адабий жараёнидаги гаройиб ҳодиса.

"Навоий" романининг тақдирини ҳам мурақаб келди. Шўро адабий сиёсатининг тутуруқсизлигини қарангки, бошда марказий ва республика матбуотида юксак баҳо олган, кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган бу асар муаллифи орадан бирмунча фурсат ўтиб, Ўзбекистон Компартияси пленумида "Қўпол мафкуравий ҳатолар"га йўл қўйгани учун танқид остига олинди. Матбуотдаги чиқиларда романда турли айблар қўйилди.

60-йилларга келиб бу ҳилдаги, қўпол айбловлар бирмунча юмшадди, хусусан, М.Қўшоновнинг "Ойбек мафкуравий" китобида бу асар ҳолисона баҳоланди, бадиияти очиб берилди. Афсуски, М.Қўшонов тадқиқотидан кейин "Навоий" романи янги томондан жиддийроқ ўрганилмади. Холбуки, бу роман бадииятининг ҳали очилмаган қирраларини кўп.

Кейинги ярим аср давомида Навоий сиймосини яратишга қўл уринган бўлди. Лекин ҳозирча Ойбекнинг "Навоий"сига тенглаша оладиган бирорта ҳам етук асар пайдо бўлмади. Эҳтимол, XXI асрда Ойбек панжасига дадил қўл ура оладиган бир сўз санъаткори, тарихий роман устаси етишиб чиқар. Лекин шунда ҳам, аминманки, Ойбек тақдирини "Навоий" мангу яшайверди. Ойбек бадиияти тўфайли бадииятга айланган улуг мутафаккир шоирнинг тирик сиймоси, унга сиғдирилган адабийнинг чекири меҳр-эҳтироми, нурга, нафосатга йўрилган олижаноб ҳистуйғулари, беназир тафаккури ёғдуси яна неча-неча авлодлар қалбини қарогон эътажгаги шубҳа йўқ.

Умарали НОРМАТОВ.

«ЎЗТАДБИРКОРБАНК»

Хурматли юрtdошлар!

Сиз учун тез ва қулай хизмат тури бўлган «Ўзтадбиркорбанк»нинг миллий валютадаги пластик қарточкаларидан фойдаланинг.

* «Ўзтадбиркорбанк» миллий валюта — сўм пластик қарточкаси эгалари учун қолдиқ суммага ҳар ойлик устама **1,5 фоиз** йиллик капитализация ҳисобига **18 фоиз** устама даромад тўланишига кафолат беради.

* Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини ҳам пластик қарточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.

* Пластик қарточканинг маблағларини истаган вақтда республика бўйлаб ўрнатилган барча банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.

Бизнинг пластик қарточкамиз сизнинг хизматингизда!

Ўз имкониятигингизни қўлдан бой бермай, «Ўзтадбиркорбанк»нинг пластик қарточкасига эга бўлинг!

Шунингдек, «Ўзтадбиркорбанк» Сихат-саломатлик йили муносабати билан сизга қуйидаги юқори даромадлиқ омонат турларини таклиф этади:

- ↳ икки йил муддатга бўлган омонат бўйича — **32%**;
- ↳ уч йилдан кам бўлмаган омонат бўйича — **34%**;
- ↳ «Орзу» уч ойдан кам бўлмаган муддатга бўлган омонат тури бўйича (бошланғич маблағ миқдори — 50 000 сўм) — **28%**;
- ↳ «Нуроний» бир йил муддатга бўлган омонат тури бўйича — **30%**;
- ↳ «Сихат-саломатлик» бир йил муддатга бўлган омонат тури бўйича (бошланғич маблағ миқдори — 1 000 000 сўм). — **30%**.

Ушбу омонатлар сизнинг даромадингиз манбаидир. Банкка қўйган пул маблағларингиз декларация қилинмайди ҳамда унинг ҳимояланиши Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«ЎЗИ Самарқанд» — тўққиз қарра чемпион

Волейбол бўйича эркаклар супер лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон 13-чемпионатининг сўнгги бешинчи тур ўйинлари нихоясига етди.

Хабарингиз бор, супер лига бахсларида мамлакатимизнинг энг кучли тўрт жамоаси қатнашди. Миллий тарма жамоамизга номзодлар ҳам айнан шу тўрт жамоа аъзолари орасидан танлаб олинди. Чемпионатда барча ўрашувларни муваффақиятли ўтказган Самарқанднинг «ЎЗИ Самарқанд» жамоаси 57 очко жамғариб, тўққизинчи бор мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Утган йилги чемпион Олмаликнинг «АГМК» жамоаси 49 очко билан кумуш медални қўлга киритди. Тошкентнинг «Омад» жамоаси 41 очко тўплаб учинчи, Қўқоннинг «Универсал-банк» жамоаси эса 33 очко билан тўртинчи ўридан жой олди.

2006 йил Японияда волейбол бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Миллий тарма жамоамиз апрель ойининг охирида Таиландда жаҳон чемпионатида ўтадиган Осиё чемпионатида ўртадаги шарафини ҳимоя қилди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум.	
	Цены действительны по 30.04.2005 г.	

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

ДУ 15х2,8 мм	944000	ДУ 32х3,2 мм	934000
ДУ 20х2,8 мм	944000	ДУ 40х3,0 мм	934000
ДУ 25х3,2 мм	944000	ДУ 100х4,0-5,0 мм	994000

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

108х3,0-4,5 мм	994000	159х5,0-6,0 мм	1199000
114х3,0-6,0 мм	994000		

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Камениск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56. E-mail: uzkommash@tkk.uz Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Нибёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммунлояхна».

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН!

Ўзбекистонда биринчи бўлиб «ALCOPON» Алюминий-композит-панеллар ишлаб чиқарувчи «AND-POLIC» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Тошкент ва Андижондаги омборларда мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:

«ALCOPON» алюминий-композит панеллар

Ранги рақами	Ранг	Панелнинг қалинлиги	Алюминий фольга қалинлиги
Бинонинг олд қисминини безатиш учун			
AP-LB 1001	Қумуш	4 мм	0,4 мм
AP-LB 1003	Қора	4 мм	0,4 мм
AP-LB 1005	Шампан заррачалари	4 мм	0,4 мм
AP-LB 3003	Оқ	4 мм	0,4 мм
AP-LB 3005	Тилла	4 мм	0,4 мм
AP-LB 4002	Қўқ	4 мм	0,4 мм
AP-LB 5001	Сут ранги	4 мм	0,4 мм
Декоратив (гранит ва мрамарга мос тусдаги панеллар)			
AP-LB 7001	Тўқ қизил	4 мм	0,4 мм
AP-LB 7002	Тўқ зангори	4 мм	0,4 мм
AP-LB 7003	Оч қизил	4 мм	0,4 мм
Бинонинг ички қисминини безатиш учун			
AP-LB 1003	Қора	3 мм	0,21 мм
AP-LB 3005	Тилла	3 мм	0,21 мм
Декоратив (гранит ва мрамарга мос тусдаги панеллар)			
AP-LB 8001	Зангори	3 мм	0,21 мм
AP-LB 3002	Қизил	3 мм	0,21 мм
AP-LB 8003	Сутранг	3 мм	0,21 мм

Панелларнинг узунлиги харидор хоҳиши бўйича ўзгартирилади мумкин. Панелларнинг стандарт ўлчамлари: 1220 x 2440 мм.

Ваколатхона: Ўзбекистон, Тошкент ш. Муртазов кўч, 6/89
Тел.: +(99871) 1348216, факс +(99871)1348357
E-mail: andpolice@rol.uz

Завод: Ўзбекистон, Андижон ш. Пирмухамедов кўч, 96
ШАХРИМИЗ ЗАМОНАВИЙ ВА ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими, профессор Фатхиддин ФАТХИДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«O' zelektkabelsavdo» ОАЖ жамоаси жамият бош раҳбари ўринбосари Н. Р. Эшқуловга падари бузруккори РИЗО отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги жамоаси агентлиқнинг масъул ходими Ринат Закирович ИЛҲАЛОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институтининг жамоаси Дори турлари технологияси кафедраси доцентини Н. С. Файзуллаевага падари бузруккори Султон ота ФАЙЗУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 361. 28631 нуҳсида бошлди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида бошлган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан ибид материаллар қабул қилинмайди.
Г—Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Дошёр.
Мусяхххх — Ш. Махраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақуни — 21.00 Топширилди — 21.00
2 3 4 5 6